
Фарзандларинг билан фахрлан, Риштон!

Фарзандларинг билан фахрлан, Риштон!

Риштонлик ёшлар жаҳонни забт этишмоқда. Тумандаги 21-болалар мусиқа ва санъат мактаби тарбияланувчиси Нозанин Бурҳониддинова МДХ давлатлари ўртасида бўлиб ўтган "Созвездие талантов" халқаро мусобақасида 9-12 ёшлилар орасида фахрли 1-ўринни қўлга киритди.

Бугун туман ҳокими 21-болалар мусиқа ва санъат мактабига ташриф буюрди ва ушбу улкан ғалаба билан ёш истеъдод соҳибини табриклаб, қимматбаҳо совға билан тақдирлади.

Тақдирлаш маросимида шунингдек, туман ХТБ мудири ҳам иштирок этиб, иқтидорли ўқувчига китоблар совға қилди.

Тақдирлаш маросимидан олдин Нозанин Бурҳониддинова ўзининг ажойиб чиқиши билан барчани лол қолдирди.

Риштон тумани 27-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси Маржона Ғанижонова АҚШ университети талабаси бўлди. Ушбу ютуқ билан барча туманжолларимизни табриклаймиз.

2021-04-22 15:31:50